

ҲАМЖИҲАТЛИК –
ТАРАҚИЁТ
МАНБАИ

2-бет

ҲАР ҚАНЧА
ОЛҚИШУ ЭЪЗОЗГА
ЛОЙИҚ

3-бет

ҚОЗОҒИСТОНДАГИ
ЭНГ ИЛҒОР ВА
ИБРАТЛИ КОРХОНА

4-бет

»» Президент

ПРЕЗИДЕНТ ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ



ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВ ВЛАДИМИР ПУТИННИ
«ҚОЗОҒИСТОН – РОССИЯ ЧЕГАРАСИ ТҮҒРИСИДА»ГИ
ШАРТНОМА ИМЗОЛАНГАННИНГ 20 ЙИЛЛИГИ
БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Қ. Тұқаев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинга 2005 йил 18 январда Москвада имзоланган Қозоғистон – Россия Давлат чегараси тўғрисидаги шартноманинг 20 йиллиги муносабати билан табрик шошилинчомасини йўллади.

“Халқаро ҳуқуқнинг умумбашарий меъёрлари асосида йўлга қўйилган мазкур тарихий ҳужжат жаҳон бўйича қуруқликдаги энг узун чегарани ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш учун мустақкам замин яратди ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги мустақкам дўстлик, яхши қўшничилик ва иттифоқчилик муносабатларининг рамзи бўлди”, дейилади табрикномада.

Давлат раҳбари икки қўшни давлат ўртасидаги серқирра ҳамкорлик келгусида ҳам изчил ривожланиб, мустақкамлашиб боришига ишонч билдирди.

Akorda.kz. маълумотлари асосида.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 21 январь, сешанба, №7 (3508).

СПОРТ – ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ



Давлат раҳбари Халқаро оғир атлетика федерацияси президенти Муҳаммад Жалуд ал Шаммарий ва Осиё оғир атлетика федерацияси президенти Муҳаммад Юсуф ал Манани қабул қилди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев меҳмонларни кутлаб, Қозоғистонда ҳамкорликни мустақкамлаш ва оғир атлетикани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун федерация-

лар раҳбарларига миннатдорчилик билдирди.

Президент спортнинг ушбу тури мамлакатда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Бунингдек, у Астана ва Алматы шаҳарларида Марказий Осиё давлатлари учун оғир атлетика бўйича минтақавий марказ барпо этиш учун зарур шароитлар мавжудлигини таъкидлади.

Муҳаммад Жалуд ал Шаммарий мамлакат оғир атлетикачиларининг Баҳрайнда ўтган жаҳон чемпионатидаги муваффақиятли

ал Мана Қасим-Жўмарт Тўқаевга меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдириб, Қозоғистонда оғир атлетика мактаби ташкил этилганини маълум қилди. Шунингдек, у Астана ва Алматы шаҳарларида Марказий Осиё давлатлари учун оғир атлетика бўйича минтақавий марказ барпо этиш учун зарур шароитлар мавжудлигини таъкидлади.

Муҳаммад Жалуд ал Шаммарий мамлакат оғир атлетикачиларининг Баҳрайнда ўтган жаҳон чемпионатидаги муваффақиятли

иштирокини қайд этиб, Қозоғистонда Лос-Анжелес Олимпиадасининг лицензия мусобақасини ўтказиш учун улкан имконият мавжудлигини таъкидлади.

Учрашув якунида Давлат раҳбари Муҳаммад Жалуд ал Шаммарий ва Муҳаммад Юсуф ал Манани оғир атлетикани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун II даражали “Достық” ордени билан тақдирлади.

Akorda.kz.
маълумотлари
асосида.

Туркий оламнинг беқиёс сайёҳлик мақони

Сайёҳлик бугунги кунда энг муҳим иқтисодий соҳалардан бирига айланди. Шу боис, дунёнинг кўплаб давлатлари томонидан ушбу соҳани янада ривожлантириш, бу борада тегишли инфратузими жаҳон андалари даражасида яратиш ва сайёҳлар оқимини ошириш юзасидан қатор чора-тадбирларнинг ижроси таъминланмоқда. Шу жумладан, Туркистон вилоятида ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада фаол ишлар олиб борилаётган.



Вилоятга ташриф буюраётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ортмоқда. Утган йилнинг 9 ойи давомида жойлаштириш ўринларида 235 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатилди. Бир кунлик ташриф буюрувчилар сони қарийб 900 мингга етди, сайёҳлик соҳасидаги хизматлар ҳажми эса 5,3 миллиард тенгени ташкил этди. Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев ушбу соҳада ишларни жадаллаштириш юзасидан топшириқлар берди.

– Туризм йўналишида амалга оширилган ислохотлар самараси соҳанинг салоҳияти беқиёс эканлигидан далолат беради. Жаҳон миқёсида вилоятимизнинг сайёҳлик жозибдорлигини юксалтириш учун соҳанинг экологик, зиярат туризми каби янги йўналишларини ривожлантириш, шунингдек, минтақанинг турли ҳудудларида маданий-маърифий тадбирларни ташкил қилиш зарур. Сайёҳликни ривожлантириш учун махсус режа ишлаб чиқилади. Ушбу соҳага оид барча кўрсаткичлар тўлиқ бажарилиши керак. Барча ишларни тизимлаштириш. Спорт ва маданият бошқармалари билан биргаликда одамларни қизиқтирадиган тадбирлар рўйхатини тайёрланг. Туризм инфратузилмасини яхшилаш, йўл бўйидаги хизматлар сифатини ошириш, тадбирларни ташкил этиш устида ишлаш зарур. Туркистон ўлкасига ташриф буюрган сайёҳ унга нима таклиф қилинаётгани ва қаерга бориши мумкинлигини олдиндан билиши керак. Бунинг учун ахборотлаштириш ишларини кучайтириш зарур, – деди Н. Кўшерев масъул раҳбарларга тегишли топшириқлар бераркан.



Вилоят туризм бошқармаси бошлиғи Нурдаулет Медеуов амалга оширилган ишлар ва галдаги режалар ҳақида ҳисобот берди.

– Туркистон шаҳри ўзининг қадим тарихи, бетақдор маданий ёдгорликлари, Буюк Ипақ йўлининг бир қисми бўлган дунёга машҳур қадамжолар, халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари, шунингдек, бой ва хилма-хил таомлари билан хорижлик сайёҳлар учун энг жозибали манзиллар ҳисобланади. Қисқа давр мобайнида шаҳарда залворли ишлар амалга оширилди. Маданий-маънавий, маъмурий-тадбиркорлик марказлари, транспорт ва муҳандислик инфратузилмаси, уй-жой мавзелари жадал равишда ташкил этилди. Жорий йилда соҳага жалб этиш режалаштирилган сармояларнинг умумий қиймати 26,3 млрд. тенгени ташкил этади, – деди у.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Астана шаҳридаги “Дўстлик уйи”да ушбу муҳим сана муносабати билан “Умуммиллий газетанинг шонли тарихий босқичлари” мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.

Тадбирда давлат ва жамоат арбоблари, профессор-ўқитувчилар, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқалар сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустақкамлашга қаратилаётган алоҳида эътиборни мамнуният билан эътироф этиб, рўзнома жамоасини унутилмас сана билан қизгин табриклади.

Тахририят Президент маъмурияти, Ҳукумат, Парламент палаталари, шунингдек, дипломатлар ва матбуот соҳаси фахрийларидан табриклар олди.

Анжуманни “Қазақ газеттері” МЧБ бош директори Дихан Қамзабекули очиб, нуфузли босма нашрнинг шонли тарихи ҳақида маъруза қилди.

Атоқли давлат арбоби Саутбек Абдрахманов бугунги кунда

“КАЗАХСТАНСКАЯ ПРАВДА” ГАЗЕТАСИ 105 ЁШГА ТЎЛДИ



мамлакатимизнинг бош нашрида миллий журналистиканинг энг яхши анъаналарини шараф билан давом эттираётган моҳир ва тажрибали мутахассислар меҳнат қилаётганини таъкидлади.

“Простор” адабий-бадий журнали бош муҳаррири ўринбосари Любовь Шашкованинг фикрича, “Казправда” газетхонлар билан узлуксиз алоқани сақлашда ўзининг узоқ йиллик ноёб таж-

рибасига эга, мураббийларнинг касбга садоқат, изланиб ишлаш анъаналарини шоғирлар давом эттириб келмоқда, шу сабабли газета бугун ҳам сеvimли, кадрли.

Тантанали маросимда “Ахборот соҳаси аълоҳисси” кўрак нишонлари билан газетанинг Туркистон вилояти бўйича муҳбири Любовь Доброта, иқтисодий бўлими муҳаррири Юрий Фоменко

ва Алматы бюросининг муҳбири Айгул Турисбекова тақдирланди. Республика газетасининг 105 йиллик шонли тарихини яратган, уни халқчил минбарга ва эзу юрт ҳаётининг кўзгусига айлантирган устоз журналистлар номи эҳтиром билан ёдга олинди.

«Казхстанска правда»
маълумотлари
асосида.



СЕРФАРЗАНД ОНАЛАРГА ЭҲТИРОМ

Кентов шаҳри ҳокими Жандўс Тасов кўп болали оналарга “Алтын алқа” ва “Күмис алқа” кўрак нишонларини топширди.

Таъкидлаш жоизки, Кентов шаҳрида 4491 нафар кўп болали оналар истикомат қилади, шундан 498 нафари “Алтын алқа”, 1086 нафари “Күмис алқа” кўрак нишонлари соҳибаларидир. Бундан ташқари, шаҳарда 26 нафар Қахрамон она ва 45 нафар I ва II даражали “Она шухрати” орденлари билан тақдирланган аёллар бор.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Чанғароқ

Шерзод Пўлатов:

Қозоқ-ўзбек
халқларининг умумий
қиҳатлари қўп(Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзоси, Астана ҲЭМБ раиси Шерзод Пўлатовнинг
Elordainfo.kz сайти мухбирига берган мусохабаси)

Бугунги кунда Қозоғистон Республикасида 130дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Улар ўртасидаги ҳамжиҳатлик – хорижий давлатлар учун ҳам ўрнак. Оғир даврларни бошдан кечирган қозоқ халқи қатагонга учраган бошқа миллат вакиллари ўз бағрига олди, ғамхўрлик кўрсатди. Элнинг тотувлиги, бирлиги қадрини орттирган ЭМБлардан бири – ўзбек этномаданияти бирлашмаси. Унинг раиси, ҚХА этномедиа кенгаши раиси, ҚР Президенти қошидаги Миллий қурултой аъзоси ҳамда ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги Жамоат кенгаши аъзоси Шерзод Пўлатов маданият маркази фаолияти ҳақида фикрини баён қилди.

Дастлаб ўзбек миллий маданият маркази 1990 йил Туркистон (собиқ Жанубий Қозоғистон) вилоятида очилди. Сўнг Қизилўрда, Жамбил, Алматы вилоятларида ташкил этила бошлади. Астана ЭМБни ташкил этиш жараёни 2006 йилда амалга оширилган. Июль ойида ўзбек этносининг 11 нафар фаоллари билан асосий гуруҳ ташкил этилди. 10 августда 75 киши иштирокида биринчи қурултой мажлиси ўтказилиб, унда бирлашмани ташкил этиш ҳамда унинг раҳбарларини тайинлаш ҳақидаги масала кўтарилди. Сўнг 2007 йил 17 апрелда Астана шаҳар Адлия бошқармасида рўйхатдан ўтди.



– Астана шаҳрига пойтахтни кўчириш вақтида янги шаҳарга кўплаб ўзбеклар кўчиб келишди, ёшлар эса олий ўқув юртига ўқишга келди. Йил сайин ўзбеклар сони ортиди. Ички миграция натижасида ўзбеклар сони ортиб, пойтахтга кўчиб келган болаларга ўзбек маданияти ва она тилини ўқитиш масаласи кўтарилди. Бу вазият Астанада миллий маданият бирлашмасини ташкил этишнинг асосий сабабларидан бири бўлди, – деди бирлашма раиси Шерзод Аббос ўғли.

ҚХА этномедиа кенгаши раиси бирлашманинг жамоат ишларига 2007 йилдан бошлаб киришди.

– 2010 йили астаналиклар мени пойтахтдаги ўзбек этномаданияти бирлашмаси раиси этиб сайлади. Бугунги кунда шаҳардаги марказлар фаоллари сони 200дан зиёд. Улар сафида жамоат арбоблари, тадбиркорлар, педагоглар, талабалар, ўқувчилар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам бор. Умуман, бирлашма кўплаб кўнгилли ва ҳамжамият аъзолари томонидан кўллаб-қувватланди. Марказ маданиятни ривожлантириш, ёшлар тарбияси,

она тилини ўқитиш, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлаш, урф-анъаналарни тарғиб этиш ҳамда Қозоғистондаги этнослараро муносабатларни ривожлантириш билан шуғулланади, – дейди бирлашма раиси.

Шерзод Пўлатовнинг айтишича, бирлашма аъзолари нафақат шаҳар, балки давлат миқёсида ўтадиган тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

– Бирлашмада васийлик, оқсоқоллар, оналар, илмий кенгашлар фаолият юритмоқда. Ўқувчи ва талабалардан иборат “Пойтахт ёшлари” номли ёшлар қаноти, “Пойтахт” футбол жамоаси, “Астана ғунчалари” рақс дастаси мавжуд. Улар шаҳар, республика даражасида ўз истеъодларини намойиш этиб, махсус дипломлар билан тақдирланиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Шунингдек, 2015 йилдан эътиборан, марказ қошида “Зиё” ўзбек этнолингвистикавий яқшанбаллик мактаби фаолият бошлаган. Унда турли ёшдаги болалар тахсил олмоқда, – деди у.

ЭМБнинг асосий мақсади – Қозоғистондаги ўзбек этносининг маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш, ёшлар ўртасида миллий қадриятларни тарғиб этиш, этнослараро тотувлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, шунингдек, ҚХА фаолиятини кўллаб-қувватлаш.

– Давлат этносийсати, республика ҳамда маҳаллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ЭМБ бошқа этномаданият бирлашмалари ҳамда турли ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари билан яқин алоқада. Этномаданият бирлашмаларининг фаолияти асосан, маданий меросни янгилаш ва асраб-авайлашга йўналтирилган. Шунингдек, бирлашма аъзолари хайрия тадбирларида фаол иштирок этмоқда, Қозоғистон этнослари ўртасида тинчлик ва дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб, халқаро муносабатларни ривожлантиришга шароит яратиб келмоқда, – деди Шерзод Пўлатов.

ЭМБ вакиллари ўз анъаналари ва маданиятини тарғиб қилиш мақсадида кўплаб тадбирлар ташкил этмоқда. “Менинг Қозоғистоним – менинг элим!” фестивали, “Ўлкенге қўрмет, Ата заңдағы міндет” хайрия тадбири, йил сайин “Мақтабга йўл” хайрия акцияси, “Дўстлик кубоги” республика ёшлар кичик футбол турнири ва бошқалар шулар жумласидан.

Жорий йил ҚХАнинг ташкил топганига 30 йил тўлади. Шу муносабат билан бирлашма вакиллари кўплаб тадбирлар ўтказишни режалаштирган.

– ҚХАнинг 30 йиллигига бағишланган анжуманлар ва давра суҳбатлари ўтказиш, маданий-маърифий тадбирлар ташкил



этиш кўзда тутилган. Шунингдек, “Дўстлик карвони” мавзусида минтақалараро маданий сафарлар ҳамда ёшлар ўртасида бирлик ғояларини тарғиб қилиш мақсадида махсус лойиҳалар амалга оширилади. Астанада яшайдиган ўзбеклар ҳақидаги китоб тақдими ўтади. Шунингдек, ҚХАнинг 30 йиллигига “Палау Party” палов фестивалини ўтказиш режада бор, – дейди раис.

Шерзод Аббос ўғли икки қардош давлатлар ўртасида унинг урф-одатлари, анъаналари ва байрамларида ўхшаш жиҳатлар жуда кўп эканлигини таъкидлади.

– Қозоқ-ўзбек қардош халқларининг урф-одатлари, анъаналари, тўй маросимлари деярли бир хил. Тилимиздагина озгина фарқ бор. Байрамларига келсак, қозоқ халқи Наврўз байрамида миллий таом – кўжа, бизда сумалак тайёрланади. Янги келин тушириганда улар “беташар” маросимини ўтказса, биз “келин салом” ўтказамиз. Меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, оилавий қадриятларни юксак англаш – умум анъаналаримиз, – дейди ҚХА аъзоси Шерзод Пўлатов.



Жорий йил Қозоғистон ўзбеклари ҳаётида хайрли ва савобли ишлар мўл бўлади ҳамда маънавиятимизни юксалтирадиган, ўзаро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлайдиган тадбирлар билан тарих зарварларига муҳрланади. Режаланган тадбирлар ҳам олимларни, ҳам ишбилармонларни ҳамкорликка чорлайди.

Қозоғистон ЭМБларининг “Дўстлик” ҳамжамияти ҳамда Шимкент шаҳар ЭМБ аъзоларининг “Барқарорлик ва тинчлик, бирлик ҳамда ҳамкорликнинг тимсолига 30 йил” мавзусида “Дўстлик уйи”да ўтган давра суҳбатида айнан ушбу масалаларга ургу берилди.

ҲАМЖИҲАТЛИК –
ТАРАҚҚИЁТ МАНБАИ

Тадбирни очган Шимкент шаҳар ЭМБ раиси Тоҳир Нишонбоев жорий йил шонли саналарга бой эканлигини таъкидлаб, жамоат ташкилотларини фаолликка чақирди.

Сўзга чиққан Қозоғистон ўзбеклари этномаданияти бирлашмалари “Дўстлик” ҳамжамиятининг раиси Икром Ҳошимжонов ҚХАнинг 30 йиллиги доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди:

– Жорий йил тарихий саналарга бой. Жумладан, 1-март – Шукрона кун тадбири билан бошланади. 20-25 апрель кунлари ҚХА Ассамблеясининг 30 йиллигига бағишлаб улкан тадбирлар ўтказилиши кутилмоқда, унда бирлашмаларимиз ҳам фаол иштирок этишлари жоиз. Астана шаҳрида ХХIV сессия ўтади. Бундан ташқари, “Дўстлик” ҳамжамиятининг ташкил этилгани ҳам жорий йил майда 30 йил тўлиши муносабати билан “Дўстлик карвонида 30 йил” – тарихий китобни нашр этишни режалаштиряпмиз. Китоб учун республикамиз бўйлаб муҳим маълумотларни жамлаш ўтган йили бошланган. Бу борда ҳамжамият қошидаги илмий кенгаш раиси, таниқли олим Н. Алметов раҳбарлигида 17 нафар зиёлилар иш олиб боришмоқда. Яна бир муҳим ишимиз Ғалабанинг 80 йиллиги тадбирларини, хотирлаш маросимларини юксак даражада уюштириш. Бу хусусда давлатимиз раҳбари ҳам алоҳида таъкидлаганидек, уни мамлакатимиз учун устувор йўналишларидан бири деб қайд этди. Кўп бобларимиз жанг майдонларида ватан учун жонини фидо қилишди. Улар-

нинг хотираси унутилмайди. Президент топшириғига кўра, Сағадат Нурмағамбетов номидаги, Рейхстагга галаба байроғини ўрнатган, Р. Қўшқарбаев номидаги орденлар ҳам таъсис этилади. Жорий йил сентябрь ойида “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари кунини” Халқаро миқёсда нишонланади. ҚХА раиси ўринбосари Марат Алмасули билан ушбу байрамни Шимкент шаҳрида ўтказишга келишиб олдик. Бу кенг кўламли ишлар ҳамжиҳатликда ўтказилиши жоиз.

Таниқли оlima, сиёсатшунос, ҚХА қошидаги таҳлилчилар гуруҳи раҳбари Соҳибжамол Қурғонова ҳам сўзга чиқиб, жорий йил Давлат раҳбарининг “Апа тили” газетасига берган мусохабасида белгиланган вазифаси борасидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий йилини сарҳисоб қилиб, Янги йилда давлат тузилмаси дастурининг асосини ташкил этган муҳим тамойилларни белгилаб берганлигига ургу берди:

– Президентимиз мусохабасида юксак ватанпарвар авлод ҳақида алоҳида мулоҳазаларини билдирди. Этномаданият бирлашмалари қошида оналар кенгаши, ёшлар билан ишлаш уюшмалари билан бирга энди ёш олимлар клуби ҳам фаолият юритадиган бўлди. Вазирликларимиз тасдиқлайдиган ижтимоий лойиҳаларда ёш олимлар ҳам иштирок этишади. Ҳамжиҳатликда олиб борган тадбирлар самараси кўп куттирмайди, албатта. Бунинг учун Президент таъкидлаганидек, тинчлик, барқарорлик ҳамда ҳамжиҳатлик зарур. 2025 йили “Ишчи касблар йили” деб эъ-

лон қилинди. Бу бежиз эмас, албатта, бу соҳадаги мутахассислар бизга ҳаводек зарур. М. Ауезов номидаги ЖҚТУда ушбу ихтисосликларни ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас.

Шу билан бирга, тадбирда иштирок этаётган таниқли олим Н. Алметов сўзга чиқиб, “Дўстлик” ҳамжамиятининг 30 йиллигига бағишлаб чиқариладиган китобнинг ҳам энциклопедик, ҳам публицистик мақолалар асосида тайёрланаётгани ва ҳар бир киши уни янада мазмунли этишга ҳисса қўиши мумкинлигини алоҳида таъкидлади.

Шимкент шаҳар Ал Фаробий туман ЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси, тадбиркор Орифжон Холназаров сўзга чиқиб, белгиланган тадбирлар доирасида қилинаётган савоб амалларга ҳам тўхталиди. “Мақтабга йўл” акцияси доирасида ҳаётимизда оила фарзандларига кийим-кечаклар тақдим этиш, боқувчисиз қолган болаларнинг хатна тўйларини уюштириш, кам таъминланган хонадонларга озиқ-овқат саватларини етказиб бериш сингари хайрли ишларнинг анъанавийлиги ҳамда доимийлиги ҳақидаги мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Шимкент шаҳар Енбекши тумани ЭМБ қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси, тўбе бийи Абдумутал Исроилов раҳбарлигидаги фаоллар жамоатчи медиатор сифатида кўпгина оилалар ажралиб кетишининг олди олинаётгани ва ушбу тажриба бошқа бирлашмаларда ҳам қўлланилса самарали бўлиши ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

»» Бир туман хабарлари

СИЁСИЙ БЮРО
ЙИҒИЛИШИ ЎТДИ

“AMANAT” партияси Сайрам туман бўлими ижровий котиби, туман маслаҳати депутати, фракция аъзоси Қуаниш Сиздиқов бюро аъзолари иштирокида сайловолди дастури доирасида ўтган йилда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот берди.



Тадбирда “Қорамурт” бошланғич партия ташкилоти раиси, 1-сонли мактаб-гимназия директори Тоҳир Дўсметовга Қозоғистон Республикаси таълим тизимини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ёш авлодни тарбиялашдаги самарали хизмати учун “AMANAT” партияси раисининг биринчи ўринбосари Н. Жумадилдаева номидан ташаккурнома тақдим этилди.

ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ
ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Сайрам тумани чорвачиликни ривожлантириш бўйича вилоятда етакчи. Тумандаги мингдан зиёд чорвачилик масканларида 42 минг бош қорамол боқилмоқда. Ҳар кун 3000 бошга яқин қорамол гўштга ўтказилади. Шу тариқа чорвачилик соҳасидаги кичик корхоналар вилоят иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшмоқда.

Ўтган йили Манкент қишлоғидаги “Шерзад-1” чорва хўжалиги Даниядан 33 бош “Жерсей” насли сизирларни харид қилди. Бугунги кунда ҳар бир сизирдан 30-35 литр сут соғиб олинмоқда.

Ўтган йили вилоят бўйича жами 31,8 минг тонна гўшт экспорт қилинди. Хусусан, 19,6 минг тонна қорамол, 12,2 минг тонна қўй гўшти етиштирилди.

527 ГЕКТАР ЯЙЛОВ УМУМИЙ
ҲОҲЛИСИГА БЕРИЛДИ

Чорвадорлар ва қишлоқ аҳолисининг яйловлардан фойдаланишини таъминлаш – бугунги куннинг долзарб вазифаси. Сайрам туманида ҳам умумий яйловларни давлатга қайтариш ишлари олиб борилмоқда.

Ўтган йили 527 гектар яйлов қайтарилиб, режа тўлиқ бажарилди. Қайтарилган ер участкалари Оқбўлоқ, Орис, Кўлент, Қайнарбўлоқ, Қорасув, Қорамурт, Жибек жўли қишлоқ округлари аҳолиси учун умумий яйлов сифатида доимий фойдаланишга берилди.

Шунингдек, туман бўйича ер участкаларини инвентаризация қилиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилиб, тегишли ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган йилнинг январь-март ойларида ўтказилган инвентаризация тадбирлари натижасида 1331та ноқонуний иншоот аниқланди. Бугунги кунда масъул идоралар томонидан текширувлар ўтказилиб, жарималар ундирилмоқда.

З. МҮМИНЖОНОВ.

»» Ягона мамлакат, ягона тақдир

Қозоғистон заминидан 130дан зиёд этнос вакиллари аҳил-иноқ ва ҳамжиҳатликда яшамоқдалар. Бинобарин, бу ўринда қозоқ халқининг “Бирлик бор жойда – тириклик бор”, деган қанотли иборасини эслатиш жоиз. Ватанимизда турли этник гуруҳларнинг тили, маданияти ва урф-одатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Конституциямизда ҳам бу масалага етарлича қаролатлар берилган. Эндиликда турли миллат вакиллари бир чанғароқ остида бирлаштирилган Қозоғистон халқи Ассамблеяси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Дарҳақиқат, юртимизда яшовчи ўзбеклар ўзларини ҳақли равишда қозоғистонликлармиз, деб ҳис қилишади. Сон жиҳатидан учинчи ўринда турган Қозоғистон ўзбеклари бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида сезиларли мавқега эга. Миллатдошларимиз давлатимиз асосини ташкил этувчи қозоқ халқи, шунингдек, барча этнослар билан елкама-елка, бир сафда туриб, дўстлик, тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлаш орқали мустақиллик берган нознеъматлардан баҳраманд бўлишмоқда.



Юртимизда ҳар йили “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари кун” байрами кенг нишонланади. Бу байрам илк бор 1995 йили Шимкент шаҳридаги Марказий маданият ва истироҳат боғида уюштирилган. Унинг ташаббускори ва ижодкори эса таниқли жамоат арбоби, Жанубий Қозоғистон вилояти, Туркистон, Сайрам ва Саригоч туманларининг фахрий фуқароси, Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзоси, марҳум Маҳаммадрасул Исоқов эди.

У 1927 йил 15 февралда Жанубий Қозоғистон вилояти, Шимкент

Яхшилик бозғи қуримайди

лармонияси биносидан ўтган ўзбек маданият марказининг курултоғида Маҳаммадрасул ота марказ раислигига сайланган. Орадан йиллар ўтиб, ушбу “ғалати” сайловнинг туб моҳиятини те-ран тушундим... Дарҳақиқат, М. Исоқов давлат хизматида турли даражадаги масъул вазифаларда ишлаб, ҳалол меҳнати билан эл орасида обрў-эътибор қозонган таниқли шахс эди. Унинг фирқа ва шўро ташкилотларидаги кўп йиллик самарали хизмати, жамоат ишларидаги фаолияти, миллатлараро дўстлик ҳамда тотувликни сақлашга қўшган хиссаси бекиёсдир.

Маҳаммадрасул ота олижаноб, меҳр-мурувватли, камтарин, меҳнатсевар, саҳий ва хокисор, масъулиятни чуқур ҳис этар, ҳар бир ишга жонқуярлик билан киришарди. Айниқса, у вилоят ўзбек маданият марказида ўзини моҳир раҳбар ҳамда ташкилотчи сифатида намоён этди.

лар театрни ташкил қилиш ишлари билан шугулландик...

2003 йили 22 октябрда Сайрам диёрига ҚР Президенти Н. Назарбаев таширф буюриб, вилоят ўзбек драма театрининг очилиш маросимида иштирок этди. Бу тарихий кунда Маҳаммадрасул ота вилоят ўзбек драма театрининг очилишида жонбозлик кўрсатган шахслардан бири сифатида саҳнага чиқиб, нутқ сўзлаганди.

М. Исоқов меҳнатига яраша ҳурмат топди. У Қозоғистон Коммунистик партияси XI, XII, XIII, XIV, XV съездларининг делегати, шунингдек, Қозоғистон Компартияси МҚнинг аъзоллигига номзод, IX-X чақириқ Қозоғистон ССР Олий Кенгашининг депутатлигига сайланган. Шунингдек, Ватан олдидаги буюк хизматлари учун “Октябрь Инқилоби”, икки марта “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Халқлар Дўстлиги” орденлари, юбилей медаллари, Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг олтин, кумуш ва бронза



шаҳрида туғилган. Ўрта маълумотни Эски шаҳардаги “КИМ” мактабидан олган. Меҳнат фаолиятини 1942 йили Хотинкўприк қишлоқ Кенгашига қарашли Куйбишев номли жамоа хўжалигида оддий ишчиликдан бошлаб, 1944-1956 йиллари, дастлаб, Шимкент қишлоқ хўжалиги техникумида, сўнг Тошкент Давлат қишлоқ хўжалиги институтида тахсил олди.

Олий ўқув юртини муваффақиятли тугатгач, олим-зироатшунос ихтисослигини эгаллаган М. Исоқов Жанубий Қозоғистон вилояти пахтачилик бошқармасида мутахассис, сўнг Сайрам тумани пахта хўжалиги бошқармасининг бошлиғи, Сайрам, Туркистон туманлари машина-трактор станциясининг бош зироатшуноси, директори, Туркистон туман қишлоқ хўжалиги нозирлиги раҳбари, Қозоғистон компартияси Туркистон туман кўмитасининг котиби, сўнгра иккинчи котиби, Туркистон, Сайрам туманлари халқ депутатлари ижроия кўмитасининг раиси, Саригоч туман ҳудудий қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, Саригоч тумани ҳамда Туркистон тумани партия кўмитасининг биринчи котиби лавозимларида хизмат қилган. 1985 йилдан республика миқёсидаги нафақага чиққунга қадар, Жанубий Қозоғистон вилояти ижтимоий таъминот бўлимининг бошлиғи лавозимида ишлади. М. Исоқов қаерда меҳнат қилмасин, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига катта хисса қўшди, халқнинг ҳурматиға сазовор бўлди. У доимо оддий одамларнинг манфаатини кўзлар, ҳеч кимдан ёрдамни аямасди. Шу сабабдан ҳамюртлари ҳануз уни зиёли, меҳр-мурувватли, сўзининг устидан чиқадиган, лафзи ҳалол, тиниб-тинчимас раҳбар сифатида эслайдилар.

Ёдимда, 1992 йили вилоят фи-

Қисқа вақтда у марказнинг кўпчилик томонидан тан олинган сардорига айланди. Мустақиллигимизнинг дастлабки оғир йилларида амалга оширилган қатор салмоқли ишлар бунга гувоҳлик беради. Жумладан, 1992-1996 йилларда у Ўзбекистон ва Қозоғистон олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида талабаларни ўзаро алмаштириб ўқитишда жонбозлик кўрсатди.

Жумладан, марказнинг фаолиятини ташкил қилиш ва жонлантиришида унинг бой тажрибаси, обрў-эътибори жуда кўл келди. Қисқа вақтда раиснинг атрофиға фаоллар ишларнинг давомчилари ёшлар эканини алоҳида таъкидларди. 1999 йилда ўзининг ўрнини ёшларга бўшатиб беришга қарор қилди. Бу – ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайдиган чинакам жўмардик эди.

2001 йили декабрда С. Сейфуллин номидаги Халқлар дўстлиги уйида вилоят ўзбек ЭМБ санъаткорлари томонидан ҚР Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб концерт уюштирилди. Унда вилоят ҳокими Бердибек Сапарбаев ҳам иштирок этди. Танаффусда Маҳаммадрасул ота вилоят ҳокимининг: “Шунча истеъдодлар бор экан, нега театр очмайсизлар?”, деб сўраганини айтди. Отахон театр очиб жуда зарурлигини, бу гап ўзбек зиёлилари орасида анчадан буён муҳокама этилаётганини айтганида Б. Сапарбаев бу масалани атрофлича ўрганишга ваъда қилади. Ниҳоят, 2002 йилда вилоят ўзбек маданият марказининг 10 йиллигига тайёргарлик ишлари бошланиб, бир гуруҳ ташаббускор-

медаллари, Жанубий Қозоғистон вилоят партия кўмитаси, ижрокўми, вилоят, туман маслаҳатларининг фахрий ёрликлари, ташақкурномалари, Бутуниттифоқ меҳнат ва уруш фахрийлари Кенгашининг кўкрак нишонлари билан тақдирланган эди.

М. Исоқов жамоат ишларида фаол иштирок этиб, халқлар дўстлиги, миллатлараро тотувлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ва давлат тилини ривожлантиришга баракали хисса қўшди. Айниқса, Қозоғистон давлатининг раҳбари, Қозоғистон Коммунистик партияси МҚ сарқотиби Динмухамед Қўнаев унинг фаолиятини юксак баҳолагани ва яқин дўстона муносабатда бўлгани эътиборлидир. Шунингдек, З. Турисбеков, И. Тилеубергенов, А. Сасбуқаев, Б. Ахметов, Б. Ажибеков, Т. Жақиббаев, Б. Шукурбеков, Қ. Қалменов, Н. Кабиров, В. Сулейменов, И. Усмонов, А. Жандарбеков, М. Хандиллаев, Д. Бопова, Л. Баянқулова, К. Алипова каби элга таниқли давлат ва жамоат арбоблари унинг кадрдон дўстлари эди.

Маҳаммадрасул ота турмуш ўртоғи Моҳира ая билан икки ўғил, тўрт қиз тарбиялаб, вояга етказишди. Ҳозирги кунда фарзандлар, не-вара-эваралар отахоннинг изидан бориб, турли соҳаларда, масъулиятли лавозимларда ишлаб, унинг эзгу ишларини давом эттиришмоқда.

М. Исоқовнинг номи мустақил Қозоғистон тарихи зарварқларига олтин ҳарфлар билан битилган. У 2008 йил 18 ноябрда вафот этди.

Маҳаммадрасул отадек миллатпарвар, олижаноб ва жонқуяр инсон билан бирга ишлаш, ҳамнафас, ҳамфикр бўлишники тақдир насиб этган экан, бундан ҳаммиша фахрли-ниб юраман.

Зокиржон МҮМИНЖОНОВ.



»» Кексалар ҳаёти – ибрат мактаби

МАТБАА ФАХРИЙЛАРИ ЭДИ

Туркистон босмахонаси раҳбари Абдулла Исоқов ўтган асрнинг саксонинчи йилларида шаҳар ва туман газетасида таржимон-мухбир сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган чоғимдан билардим. Камтарин, ишчан, талабчан, интизомни қадрловчи, уз касбини етук ўзлаштирган олий маълумотли, тажрибали раҳбар эди.



ринбону, Муҳимбону, Тоҳир, Шарбону, Меҳрибонуларни тарбиялаб, вояга етказишган. Ўғил-қизлари турли соҳаларда фаолият юритиб, Туркистон шаҳри ҳамда Саврон тумани қишлоқларида истиқомат қилишади.

Бир неча йил муқаддам фаол обуначимиз, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Шерхон Абилов ташаббуси билан Саврон тумани УЭМБ раиси Қурбонбой Ирисбеков ҳамроҳлигида Абдулла Исоқов хонадонига ташриф буюрдик. 2018 йили декабрь ойида 84 ёшида



У пайтлари ҳозиргидек компьютерлар йўқ, қозоқ ва ўзбек тилида ҳафтасига уч марта чоп этиладиган газеталар мақоласининг ҳар бир сатр, ҳар бир ҳарфи линотип машиналарида – кўргошин эритиш орқали қуйиларди. Улкан дастгоҳлар бузилиб қолса, вилоят маркази Шимкент шаҳридан уста келишини кутиб ўтирмай, ўзи енг шимариб таъмирлашга киришиб кетарди. Умр йўлдоши, ҳамкасби Раъно Аҳмаджон қизи ҳам шу даргоҳда кўп йиллар ҳарф терувчи бўлиб ишлаб, нафақага чиққан. Улар ҳалол меҳнати, ишга масъулияти билан жамоада ҳурмат-эътиборга сазовор, туман ва шаҳар партия кўмиталарининг мукофотлариға сазовор бўлган матбаа соҳасининг тажрибали мутахассислари эди. Улар қобил фарзандлар – Ши-

оламдан ўтган Абдулла Исоқ ўғлининг руҳиға бағишлаб Куръон тиловат қилдик. Хонадон соҳибаси Раъно Аҳмаджон қизи тинимсиз меҳнат ила ўтган даврни ҳаяжон ила эслади, беихтиёр кўзига ёш олди. Онахонга ташақкурнома ва мукофотларни тақдим этиб, дуосини олдик.

Дам ғанимат, дийдор ғанимат. Ўша мунаввар кунлар ҳам хотира бўлиб қолди. 2023 йили 85 ёшида чин дунёга рихлат қилган матбаа соҳаси фахрийси Раъно Аҳмаджон қизининг охиратлари обод бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Абдулла Исоқов; меҳнат фахрийси Раъно Аҳмаджон қизига мукофот топширилган он.

Муаллиф суратга олган.

»» Дил изҳори



Ҳар қанча олқишу эъзозга лойиқ

Марҳабо Гулметова 54-сонли мактабда 40 йил мобайнида ўқувчиларга ўзбек тили ва адабиётининг дарс бермоқда. У – менинг опам ва устозим. Мен ҳам 52-сонли мактаб-лицейда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлайман.

...Болалигимиз даҳадаги хўжалиқнинг серқирра фаолияти давриға тўғри келди. Ёдимда, у пайтларда гектар-гектар ерларда деҳқончилик қилиниб, сабзавот етиштирилди, чорвачилик ҳам тараққий этилган эди. Отам Анормат Турғунбой ўғли хўжалиқнинг оддий ҳайдовчиси бўлса-да, илм-фанни ниҳоятда қадрларди. Бунинг исботи ўлароқ, серфарзанд оиламизда деярли ҳаммамиз олий маълумотимиз. Оилавий анъанаға кўра, ҳам меҳнат қилардик, ҳам олий маълумот олишга интилардик. Марҳабо опам мактабдан сўнг Тошкент шаҳридаги Низомий номидаги давлат педагогика институтини тамомлаб, дастлаб, Ҳамза номидаги 42-сонли мактабда уч йил ишлади. Сўнг 1988 йилда эса ўзимиз ўқиган мактабга ишга жойлашди.

Бу даврни опам шундай эслади: – Ўша йиллардаги пешқадам директор Сақ Смағуловнинг таклифиға кўра, жонажон мактабимда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошладим ва шу кунга қадар бу даргоҳни иккинчи уйим деб ҳисоблайман. Қадрдон устозларим, ўзим ўқиган синф хоналари, яна мактаб қаршисидаги фойзал ота уйим... Мана шу асослар менга куч-қувват

берди, ўз устимда тинимсиз ишлашга ундади, ижодий меҳнат қилишга илҳомлантирди. Касбимни эъзозладим, мактаб жамоасида услубият бирлашмаси раҳбари сифатида кўп йиллар она тилимиз тарғиботиға самарали хисса қўшиб келдим. Фан олимпиадаларида ўқувчиларим нуфузли ўринлар эгаллашди.

Тақдир тақозоси билан, Тошкент шаҳрида ўқиган автотранспорт мутахассиси Аҳдам Гулметов билан оила қурсам-да, иш жойимни ўзгартирмадим, 40 йилча 54-сонли мактабда фаолиятимни давом эттирдим.

Кўп йиллар мобайнида опа-сингил она тилимизни эъзозлаб келамиз. Кейинги пайтларда ўзбек тили ва адабиётига қизиқиш сусаймоқда, битирувчилар камдан-кам бу ихтисосликни танламоқда. Бу ташвишланарли ҳол, албатта. Шуни ҳам таъкидлашим жоизки, ўқитувчилик доим нуфузли касб бўлиб келган. Яна бир муҳим жиҳат шуки, оилада ўқитувчилар бўлса, фарзандлар ҳам, беихтиёр билимға қизиқади. Шукрки, Марҳабо опам ва Аҳдам поччамнинг уч фарзанди ва беш невараси ҳам билимли, тарбияли, фаровон турмуш бахтидан баҳраманд. Касбига меҳр қўйиб, ёш авлодни муносиб тарбиялашға хисса қўшиб келаётган Марҳабо Гулметова ва унинг тисолида нафақага отланаётган фахрий устозларнинг меҳнатлари ҳар қанча олқишу эъзозға лойиқ.

Ҳожар МИРЗАМЕТОВА,
52-сонли мактаб-лицей ўқитувчиси.

ҚОЗОҒИСТОНДАГИ ЭНГ ИЛҒОР ВА ИБРАТЛИ КОРХОНА

Қозоғистоннинг энг йирик шаҳарларидан бири – бир миллиондан зиёд аҳолиси мавжуд Шимкент ва қисман Сайрам туман аҳлини арзон, тоза ва сифатли ичимли сув билан таъминлаб келатган “Сув захиралари – Маркетинг” МЧБнинг ўтган йиллардаги фаолияти ва эришган ютуқлари хусусида фикр юритишни жоиз кўрдик.



Дунёдаги таҳлилчи олимларнинг тахминига кўра, 2040 йилга қадар ер юзи аҳолисининг 50 фоизини сувга бўлган талаби ортади.

Қозоғистон 2050 йилларда “сувга ўта муҳтож” мамлакатлар қаторига кириб қолиши мумкинлигини мамлакатимиз раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев айтиб ўтган.

Бундай вазиятдан тўғри хулоса чиқарган таниқли тадбиркор ва ташкилотчи раҳбар, ўз касбини мукаммал эгаллаган кашфиётчи-муҳандис Анарбек Унгарули раҳбарлик қилаётган “Сув захиралари – Маркетинг” МЧБ жамоасининг ўтган вақт мобайнида амалга оширган ишлари ва фаолияти таҳсинга сазовордир.

А. Ўрман аҳолини тоза сув билан таъминлашда, сув чиқариш ва тақсимлаш тармоқларини замонавий андазаларга мос жиҳозлари сув миқдорини ўлчаш асбобларининг 100 фоиз ўрнатилиши натижасида аввалги йиллардаги сув истеъмоли ҳажмини бир кеча-кундузда 450 куб метрдан 125 куб метрга қисқаргани кўпчиликлари аён.

Корхона раҳбарияти “Европа

оммалаштириш тўғрисида қарор қабулланган.

Анарбек Ўрманнинг таҳсинига сазовор амалга оширган ишларидан яна бири Польша ва Германияда қўлланилаётган рақамли технологияни ўз корхонаси фаолиятида амалга ошириши бўлди. Бунинг учун

асосида тозалаш натижасида мажмуа атрофидаги экология ҳолати яхшиланди. Аҳоли яшashi учун қулай шароит яратилди.

Сувнинг сифатини аниқлашда Дания-Германия муҳандислари томонидан ишлаб чиқилган Grundfos автомат қурилма-

асосида тозалаш натижасида мажмуа атрофидаги экология ҳолати яхшиланди. Аҳоли яшashi учун қулай шароит яратилди.

Сувнинг сифатини аниқлашда Дания-Германия муҳандислари томонидан ишлаб чиқилган Grundfos автомат қурилма-

асосида тозалаш натижасида мажмуа атрофидаги экология ҳолати яхшиланди. Аҳоли яшashi учун қулай шароит яратилди.



раҳбар биринчи навбатда асосий эътиборни корхона мутахассисларининг малакасини оширишга қаратди. Шимкентдаги М. Аюезов номидаги Жану-

си қўлланилмоқда. Бу қурилма ўзининг мустаҳкамлиги, унумдорлиги ва хавфсизлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Сувни зарарли микроблардан тозалаш учун гидрохлорид натрий қўлланилади.

А. Ўрман раҳбарлигида корхонага жаҳондаги энг илғор технологияларни қўллаб, бугунги кунда нафақат Қозоғистонда, балки, МДҲ давлатлари ўртасида танилиб, аҳолини тоза сув билан таъминлашдаги иш режаларини ўрганиш ва тажриба алмашиш мақсадида Шимкент шаҳрига республика миқёсдаги деярли барча вилоятлари ҳамда қўшни Россия, Қирғизистон, Ўзбекистон республикалари, Германия, Англия давлатлари элчиларининг келишлари бежиз эмасди.

Хуллас, меҳмонлар “Сув захиралари – Маркетинг” МЧБнинг бугунги кундаги фаолиятини халқаро андазаларга жавоб берадиган, Қозоғистондаги энг илғор ва ибратли корхона даражасига етганлигидан далolat эканлигини атаб ўтдилар.

Хайитмат МУҲИДДИНОВ,
фахрий журналист.

»» Мукофот муборак!

ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИНИНГ “ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ”

Саврон тумани Эски Иқон қишлоғидаги Ҳамида Чолдонова раҳбарлик қилаётган 1-сонли умумтаълим мактаби республикамиздаги пешқадам 100та мактаб сафига кирганлиги хусусидаги хушхабар газетамизда эълон қилинган эди.

Янги 2025 йилнинг биринчи ойи ўн кунлигида мактаб директори Ҳамида Чолдонова Туркiston вилояти маслаҳати раиси Н. Абишовнинг “Фахрий ёрлиғи” билан тақдирланди.

Ёрлиқ матнида ушбу мукофот вилоятимизнинг маънавий равнақи ва жамоат тўтовлигини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари учун

берилганлиги қайд этилган. Муборак бўлсин!

“Жанубий Қозоғистон” таҳририяти газетанинг фаол жамоатчи обуначиси, тажрибали устоз Ҳамида Зуппархон қизига ҳамда мактаб жамоасига янги зафарлар тилайди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Суратда: Ҳ. Чолдонова мукофот билан.



»» Инсон меҳнати билан улғу

“ДАСТГОҲЛАРИМНИ СОҒИНИБ ҚОЛАМАН”

Сухбатдошимиз Одилхон Абдулезовни ҳам кексалик уйда, болишга ёнбошлаган ҳолда, оила даврасида виқор билан қарши олмади. Суяги меҳнатда қотган инсонни кексаликнинг ҳаловати ҳам ўзига у қадар жалб эта олмас экан.

Нафақага чиққанига қарий 10 йил бўляпти. 70 ёшини ҳам қадрдон жамоасида қарши олди. Бироқ отахоннинг жамоаси бор ва бу жамоаси унинг ҳаётида алоҳида

бўлди. Кейин Шимкентга куёв бўлдим. Умр йўлдошим Кентовда атир-упа омборида меҳнат қиларди. Мен 1987 йилга қадар конда ишладим. Сўнг Қарноқ қишлоғида хусусий устaxonа очиб, автомашиналарни таъмирлаб бошладик. Негадир бу ишимиз, унчалик “ўхшамади”. Бироқ, шунга қарамай, 5 йил давомида анча машиналарни таъмирлаб қўйибмиз.

Яратган бизга уч нафар фарзанд ата этди. 1998 йили оиламиз билан Шимкентга кўчиб келдик. 2007 йилдан буён вилоятимиздаги таниқли тадбиркор ҳамда меценат Шуҳрат Рўзиматовнинг “Тулпар” автосервис корхонасида таъмирчи уста бўлиб меҳнат қилиб келяман. Ўша корхонадан нафақага чиқдим.

Бироқ темир-терсак, пайвандлаш, зичлаш дастгоҳида ишлашга шу қадар ўрганиб қолганманки, ҳордиқ кунларини аранг ўтказиб, иш кунлари яна устaxonага ошиқаман. Махсус ускуналарда машиналарни таъмирлаш, шогирдларинг билан бирга жамоадор бўлиш завқини ҳис қилиб яшайётганимдан миннатдорман.

– Демак, жамоангизда ёши улғу ходимлардан экансиз-да?

– Жамоада ёши улғу ходимман, қолганларининг аксарияти ёшлар. Улар билан ишлаш жуда мароқли. Айниқса, буни ишлаш жараёнида ҳис қиламан. Турли одамларнинг ҳожатини чиқарамиз – мижозларимизга автомашинани таъмирлашга оид қандай иш бўлса барчасини тақдим этамиз. Кексалик бораётганимни ҳис қилмайман. Уйда ўтириб қолсам, кам ҳаракатланиб, тенгқурларим билан чойхоналарда бош қўшганимизда суякларим, белим қақшаётганини, бўғимларим оғриётгани бот-бот эсга солиб туради. Фарзандларим оилали, невараларимизни суйиб, уларнинг роҳатини кўраётган кексаларданми. Оиламиз, Аллоҳга шукр, фаровон, маошимга эҳтиёж сезилмайди. Шундай бўлса-да, оёқларим мени устaxonа томон бошлайверади. Ёшимга қарамай, банд бўлганимдан, менинг хизматим кимгадир керак бўлганидан беадаб шукрлар айтаман. Мижозларинг сени излаб келишса, “темир тулпор”ларини рисоладагидек таъмирлаб берсанг, уларнинг рози бўлиб, хурсанд ҳолда миниб кетаётганидан завқим ўн чандон ошади-да. Ҳордиқ кунлари дастгоҳимни соғиниб қоламан. Хунаримдан ўзгача ғайрат ва куч оламан. Ёшлигимизда сув келса симириб, тош келса кемириб яшашни ўргандик. Мазкур кўнликма бизни кексаликда ҳам банд бўлишга чорляпти. Аслида кўп хасталиклар, оилалардаги умр йўлдошлар билан зиддиятлар бекорчиликдан келиб чиқади. Бандлик эса ҳам соғлигимизга ҳам, муносабатларимизни яхшилашга ҳам хизмат қилляпти.

– Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур!

М. САЪДУЛЛАЕВА.



қайта қуриш ва тараққиёт банки” билан ҳамкорликда қўллаб янги замонавий лойиҳаларни амалга оширди.

Шулардан: Буржар ҳавзасига йиғилган оқава сув қолдиқларини қайта ишлаб олинган биогаздан электр энергиясини ишлаб чиқариб, ундан фойдаланиш ҳар кимнинг қўлидан келмайдиган иш эканлигини юқори лавозим эгалари муносиб баҳолаб, бу тажрибани Қозоғистон Республикасида

бий Қозоғистон Давлат Университети етакчи олимларининг ёрдамида янги технологиянинг сир-асрорлари корхона ходимларига ўргатилди. Бу ишлар корхона билан университет ўртасида тузилган меморандум асосида амалга оширилди.

Буржарга тўпланган оқавани қайта ишлаб, тозаланган, айрим қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда фойдаланиш йўлга қўйилди. Шунингдек чиқинди сувларни биотехнология

»» ОЙНОМА

ДАЛВ – ўзбекча – қовға, форсча – дўл, русча – водолей, арабча – далв. МУДДАТИ 19 январдан 18 февралгача, 31 кун.

Шу муддат орасида таваллуд топганлар бурж ҳисобида ДАЛВлардир.

Деҳқонлар бу ойни кичик чилла ҳам деб атайдилар. Далада изғиринлар, қор ёғиши, аёз, булутли кунлар такрорланиб туради.

Кичик чилла қора совуқ ва аёзли изғиринлар билан дохил бўлади. Совуқ кунлар давом этаверади.

Тўқсоннинг тенг ярни ўтгач (8 февраль), қантар оғади. Яъни қиш тобора қамайишга юз

ЮРТИМИЗГА ДАЛВ КИРДИ



тутиб, табиат илиқлик сари силжийверади. Қорнинг эриши тезлашади. Шу боисдан ҳам “Қантар оғса, қор турмас”, дейдилар.

Қантар оққан кундан эътиборан куёв нури тушган ерлардан буг кўтарилади. Яъни ернинг ички ҳарорати юзага уради. Табиатнинг уйғонош даври бошланади. Ойнинг охири, хусусан, учинчи ўн кунлигида бориб, далалар, қирлар сабзаранг тусга қиради, қори эриган ерларда бойчечак ва митти гуллар кўзга ташланади. Дарахтлар танасига сув югуриб, ток ва терак каби дарахтлар куртаги тез катталашади. Ҳаво илиқ келган йиллари бодом ва ҳатто ўрик дарахтла-

ри гуллаб қолади. Кунлар сезиларли даражада узаяди. Жадй ойида кунлар 1-2 дақиқадан узайган бўлса, энди бу 4-5 дақиқани ташкил этади.

Қантар оғиб, қор эриши бошлангандан сўнг бўладиган илиқ кунлар кишиларга завқ-шавқ бағишлайди. Гоҳида баҳор нафаси уфургандек бўлади. Ҳамма далага – табиат қўнига интилади. Болалар бойчечак ҳақида қўшиқ айтишиб, ўзларини, ота-оналари ва қўшиқларини хушнуд этишади. Атрофда қишни ўтказиш учун иссиқ ўлкаларга кетиб қолган баъзи қушларнинг овози эшитила бошлайди.

Хуллас, минтақамиз табиати уйқудан уйғонош сари юз тутаяди.

Хайрулла ҚОСИМОВ.
“Фасллар хосияти” рисоласидан.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БУРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркiston, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Сарюгоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Муассис – Туркiston вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.»
«Фонданинлмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.»

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VRY0022503 гувоҳнома берилган.

«EIRNUR» МЧБ Ўзбекистонда чоп этилди. Шимкент шаҳри, Т. Алимжонов кўчаси, 22.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11700 нусха.

Биринчи 123. Навбатчи муҳаррир: Хуршид КҮЧҚОРОВ.